

Тазкия дарслари (72-дарс). Қалб ҳозирлиги намознинг руҳидир



13:45 / 15.02.2020 5838

يَتَمُّونَ» : لَأَقْمَلِسُو هَلْ لَإِلْصَبَّيْ نَلْ نَع ، أَاهُ نَع هَلْ لَإِلْضَرَّةَ رِيَّهَ يَبَّأَنَ ع
لَإِلْطَيَّ نَأْمُ كُنْ مَعَا طَتْسَ لَنَمَفْ ، عَوْضُ وُلْ رَاثَأَ نَمَ نِي لَجْحَمُ أُرْغَمَ أَيَقُولُ مَوِي نَوَعْدِي
دُوَادَ أَبَا أَلْإِسْمَ لَأَهَاورَ . «لَعَفَيَّ لَفُ هَتُّرْغَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, умматим қиёмат куни таҳорат асаридан пешона ва оёқ-қўлларида оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилади. Сизлардан ким нурини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».

Қиблага юзланганида турли тарафларни қўйиб, юзини фақат Байтуллоҳга ўгирганини билсин ва қалбини ҳам барча нарсалардан узиб, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига боғласин.

Намозхон «Аллоҳу Акбар!» деб такбир айтганда тилини дили тасдиқласин. Ўша сўзни айтганида дилида Аллоҳ таолодан улкан нарса қолмасин. Агар ундай бўлмаса, дили тилини тасдиқламаган бўлади.

Шунингдек, тили билан «Аъзу биллааҳи»ни айтиб, Аллоҳ таолодан паноҳ тилаганида дили билан ҳам Аллоҳдан паноҳ сўрамаса, гапи ёлғон бўлади.

Намозхон қироатининг маъносини тушуниб бориши жуда ҳам фойдалидир. Айниқса, «Фотиҳа»ни ўқиганда...

Имом Насоий машҳур саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийни доимо эсда тутиш лозим:

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ
يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ
لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ
لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

أَعْلَمْتُ بِبِلَلِ بْنِ رَحِيحٍ

لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

الرَّجِيحِ الرَّحْمَنِ

لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

الَّذِي يَوْمَئِذٍ مَلَكَ

لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

نَسْتَعِينُ وَإِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ

لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

نَسْتَعِينُ وَإِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ

لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ لَعَلَّ يَلْعَبُ

الْفَسَايِنَ وَلَا عَلَيْهِمُ الْمَعْصُوبِ غَيْرَ عَلَيْهِمْ أَنْفَمَتَ الَّذِينَ صِرَطًا ① الْمُسْتَقِيمَ الصِّرَاطَ أَهْدِنَا

يُيَسِّرُ لَنَا الْهَوَاوِرَ لَأَسْ أَمْ يَدْبَعُ لَوْ يَدْبَعُ لَدَاءُ الْوَهْفِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Намозни Ўзим билан бандам орасида иккига бўлганман, ярми Менга, ярми бандамга ва бандамга сўраган нарсаси.

Агар банда: «Алҳамду лиллааҳи Роббил аълабийн», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам менга ҳамд – шукр айтди», дейди.

Банда: «Ар-Роҳманир Роҳийм», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам менга сано – мақтов айтди», дейди.

Банда: «Малики явмиддийн», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам мени улуғлади», дейди.

Банда: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн», деса, Аллоҳ: «Бу мен билан бандам орасидаги нарса, бандам нимани сўраса, бераман», дейди.

Агар банда: «Иҳдинас-сиротал мустақийм, сиротоллазийна анъамта алайҳим ғойрил мағзуби алайҳим ва лаззооллийн», деса, Аллоҳ: «Булар бандамга хос, сўраганини бердим», дейди».

Насоий ривоят қилган.

Салафи солиҳлардан намозда қироат маъносини ҳис этиб, ҳушидан кетиб ёки ҳаётни тарк этиб йиқилганлар бўлган.

Намозхон рукуъда тавозеъни, саждада хору зорликни ҳис этиб туриши зарур. Шунингдек, намоздаги тасбеҳ, такбир ва барча дуоларни ҳам чин қалбдан, бутун вужуд ила ҳис этиб ўқиш, маъноларини уқиш ва намоздаги мана шу ҳолатларни ҳаётда ҳам сақлаб яшашга ҳаракат қилмоқ лозим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва салафи солиҳларимиз намозда қалбнинг ҳозир бўлмаслигини айб санаганлар.

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِهِ لَوْلَا لَوْ سَرُّتْ عَمَّ سَ: لَأَقَاهُ نَعْلُ لِيَضْرِبَ رَسَائِدَ نَبَرَامَ عَنَّا
أَهْ عُبُّسَ أَهُنْمُ تَهْ أَعْسَتْ هَتَالَصْ رُشْعُ أَلْهُ لَبْتُ كَأَمْ وَفَرَصَنْ يَلْ لُجْرَلْنَا نِ: لُؤُوقِي

دُوَادٌ وَبَأْهَآوَر. «أَهْفِصْنَ أَهْثُلْتَ أَهْغُبْرَ أَهْسُمُخَ أَهْسُدْسَ».

Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, бир одам (намоздан) турганида, унга унинг ўндан бири, тўққиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешдан бири, тўртдан бири, учдан бири ёки ярмигина ёзилган бўлади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан намоз билан намознинг фарқи борлиги, ҳатто қабул бўлган намозлар орасида ҳам фарқ бўлиши кўриниб турибди.

Ҳамма ҳам намоз ўқийверади, аммо ўша намозга Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажр намозхоннинг ихлоси ва хушуъ-хузуъсига қараб берилар экан. Хушуъ-хузуъни, ихлосни жойига қўйган одам намоз учун белгиланган савобнинг ҳаммасини олар экан. Хушуъ-хузуъ ва ихлос камайган сари бериладиган савоб ҳам ярим, учдан бир, тўртдан бир, ўндан бир бўлиб камайиб кетаверади.

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу: «Ким намозда туриб қасд ила ўнгида ва чапида ким турганини билса, намози намоз эмас», деган.

Абдул Воҳид ибн Зайд раҳматуллоҳи алайҳи шундай дейди: «Уламолар банда намозидан қанчасини эсида сақласа, шунчаси уники бўлишига ижмоъ қилишган».

Баъзи мухлис кишилардан қуйидагилар ривоят қилинади: «Бир киши ўғлига: «Масжиддан шом намозини ўқиган намозхонларни бошлаб келгин, уларга эҳсонимиз бор», дебди. Ўғил намоздан кейин масжид дарвозасидан чиқаётганлардан имом «Фотиҳа»дан кейин қайси сурани ўқиганини сўраб, тўғри айтганларни бошлаб келибди. Отаси меҳмонлар озлигининг сабабини сўраганида, «Ўзингиз шом намозини ўқиганларни бошлаб кел», деган эдингиз, менимча фақат шулар ўқишди», деб жавоб берган экан.

Албатта, бу ўлчовлар тақво юзасидан бўлган ўлчовлардир. Аммо фатво юзасидан бошлаш такбирини айтганда қалби ҳозир бўлиб, намоз ўқиган кишининг фарзи адо бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қалб ҳозирлиги намознинг руҳидир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

«Руҳий тарбия» китобидан